



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2004 йил 11 август, чоршанба

№ 65 (11.660)

Эркин нархда сотилади

Афина шаҳрида ўтказиладиган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спортчиларига

Азиз ўғил-қизларим! Муҳтарам спорт мураббийларим!

Авваламбор, сизларни, сиз орқали Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларини дунёдаги энг нуфузли халқаро мусобақа – Олимпиада ўйинларида иштирок этиш бахтига муюсар бўлганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Бугун сиз мустақил Ўзбекистон Республикаси шарафини ҳимоя қилиш учун икки юздан зиёд давлатнинг 16 мингдан ортиқ энг кучли спортчилари иштирок этадиган халқаро Олимпиада мусобақаларига йўл олмоқдасиз.

Сизларнинг куч-қувват, ғайрат ва шижоат акс этган навқирон қоматингизга, ғалаба иштиёқи билан чакнаб турган қўларингизга боқиб, юртимиз фарзандларининг ҳеч қандам кам эмаслигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз. Жаҳон миқёсидаги беллашувларда вакилларимиз эришадиган катта ғалабалар ҳам ушбу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Табиийки, бундай зафарларни қўлга киритишда миллат ва халқни бирлаштирадиган, мамлакатни дунёга машҳур этадиган спорт соҳасига кейинги йилларда қараш ва эътиборимизнинг тубдан ўзгариши, баркамол авлод тарбияси йўлидаги узоқни кўзлаб амалга оширадиган улкан ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун жаҳон аҳлининг нигоҳи қадалган Афина шаҳрига – кескин ва ҳаяжонли курашлар майдони сари йўл олаётган сиз, олимпиадачиларимиз тимида ҳам ана шу саъй-ҳаракатларимизнинг амалий самарасини кўриб турибмиз, десак, аини

ҳақиқатни айтган бўламиз.

Олимпиадада нафақат ғолиб бўлиш, балки унда иштирок этишнинг ўзи ҳам катта бахт, деган фикрда теран маъно бор. Бу нуфузли спорт ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ҳар бирингиз қанчалик тер тўкиб, тинимсиз машқ қилганингизни, бу йўлда қийинчиликларни мардлик ва матонат, мустаҳкам ирода билан енгиб ўтганингизни минглаб мухлисларингиз, жамоатчилигимиз яхши билади.

Олимпиада – нафақат спорт беллашувлари, аини пайтда ҳар бир халқнинг маънавий ва жисмоний салоҳиятини кўрсатадиган ўзига хос мезондир. **Ўйлайманки, сизлар кураш майдонларига чиққанда, қандай муқаддас замин фарзандларини эканингизни, қандай буюк зотларнинг ворислари эканингизни асло унутмайсиз ва уларга муносиб бўлишга, миллионлаб ватандошларимизнинг ишончини оқлашга интиласиз.** Сизларни мардона аждодларимизнинг руҳлари қўллаб-қувватлайди, халқимизнинг меҳри ва умиди сизларга мадад ва қанот бағишлайди.

Сизлар Олимпиадада беллашувларида халқимизга хос жасорат ва шижоат, ҳалоллик ва фидоийлик фазилатларини яна бир бор намоён этасиз, жонажон Ўзбекистонимизнинг байроғини янада баланд кўтариб, юртимизнинг шон-шўхратини бутун дунёга тараннум қиласиз, деб ишонаман.

Бугун сизларни масъулиятли сафарга кузатар эканмиз, ҳаммагини Вангана, оилангиз бағрига соғ-саломат, ёруғ юз билан қайтишингизни тилаб қоламан.

Барчангизга омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



Дилшод МАНСУРОВ



Манзура ИНОЯТОВА

Омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Греция пойтахтида ўтажак XXVIII ёзги олимпиада ўйинларида иштирок этадиган спортчилар ва мураббийлардан иборат Ўзбекистон делегацияси 10 август кунини Афина шаҳрига жўнаб кетди.

Шу муносабат билан Тошкент аэропортида бўлиб ўтган кузатиш маросимида ҳукумат аъзолари, спортчиларнинг ота-оналари, мураббийлар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон Миллий Олимпиада қўмитасининг раиси Р.Қурбонов очди.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спортчиларига табригини Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Истиқлол йилларида спортни ривожлантиришга давлат даражасида берилган эътибор ва ғамхўрликнинг самараси ўлароқ, бугунги кунда юртимиздан ўнлаб жаҳон чемпионлари етишиб чиқмоқда, кўплаб спорт иншоотлари барпо этилиб, у ерда минглаб иқтидорли ўғил-қизлар тажрибали устозлар раҳбарлигида ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Улар қисқа фурсат ичида Ўзбекистондан спорт соҳасида эришилган ютуқларни санаб адоғига етиш қийин.

Спортнинг ҳар бир тури бўйича кўзга кўринарли натижага эришишнинг ўзи бўлмайди. Азиздан мавжуд аъёнларга қара, Олимпиадаларда иштирок этиб, юқори натижаларни қайд этиш – ҳар бир спортчининг бир умрлик озу-ёстиғи саналган. Ўтган йиллар мамлакатимиз спортини учун ҳам синон йиллари бўлди, десак адашмаймиз. Қувонарли жиҳати, спортчиларимиз нафақат жаҳон чемпионатлари, биринчиликлари, Кубок баҳслари, балки, Олимпиада майдонларида ҳам ўзларининг салмоқли ўринларига эга бўлиб боришмоқда.



Игорь АЛБОРОВ



Александр УРИНОВ

Воҳид БОЙМУРОДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.
Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

«Ислом Каримов. Асарлар тўплами» мультимедия диски яратилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги кўмағида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг XI томлик асарлар тўпламининг мультимедия вариантини яратди.



Мустақиллик йиллари Ўзбекистон учун мураккаб, аини пайтда яратувчанлик руҳида кечмоқда. Мустақил ривожланишнинг ўтган йиллари кенг қўламли демократик ва бозор иқтисодларининг изчил амалга оширилиши, жамиятнинг янгиланиш йўлида давом этиши, халқаро ҳамкорлик алоқаларининг ривож топиши ва жаҳон ҳамжамиятида республикамиз обрўсининг мустаҳкамланиши даври бўлди. Энг асосийси, мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва ҳамжиҳатлик қарор топти. Шу билан бирга, халқимизнинг бугунги кунга ва келажакка бўлган ишончи янада мустаҳкамландики, бу истиқлол йилларидаги энг катта ютуқларимиздандир.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига кенг интеграциялашув сиёсатини изчил олиб бормоқда ҳамда иқтисодиёт, илм-фан, таълим ва ахборот аламушуви соҳаларида жаҳон халқлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Жаҳонда Ўзбекистоннинг сиёсий барқарор, муттасил ривожланаётган давлат сифатидаги мавқеи ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг XI томлик асарлар тўпламида мустақил давлатнинг қарор топиши ва ривожланиш босқичлари ўзининг яққол фойдасини топади. Унда Ўзбекистон ижтимоий ривожланишнинг сифат жиҳатдан янги босқичда демократик ўзгаришларнинг чуқурлашуви ва фуқаролик жамияти асослари шаклланишнинг стратегик вазифалари аниқ белгилаб берилган.

XXI аср Ўзбекистон аҳолиси учун қандай кечадиган, унинг турмуши қай даражада яхшиланади ва фаровонлашади? Мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида бизни қандай муаммолар, қийинчиликлар ва синонлар кутаётгани ҳақида етарли ва аниқ тасаввурга эгамиз?

Ўзбекистон инсонлар учун муносиб турмуш тарзини таъ-

минлашга қаратилган мақсад ва вазифаларни қай даражада рўёбга чиқаради? Тинчлик ва ҳавфсизлигимизга таҳдид солаётган ҳавф-хатарни аниқлаб етязми?

Ушбу ҳавф-хатарга қай тарзда қаршилиқ кўрсатишимиз мумкин, жамиятимизнинг барқарор ривожланиши, минтақада геосиёсий мувозанатни сақлаб қолиш ва глобал ҳавфсизликни таъминлаш учун қандай қафолатлар мавжуд?

Ўзбекистон XXI асрда янада барқарор ривожланиши учун қандай салоҳият ва имкониятларга эга? Иқтисодий сиёсат, янгиланиш ва таракқиётнинг қандай устуворликларига мавжуд? Дунё мамлакатларига кенг ва ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик учун қандай шарт-шароитларни тақдиф эта оламиз?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларида аинан шу масалалар чуқур таҳлил этилган ва уларни амалий ҳал қилиш йўллари кўрсатиб берилган. Ислом Каримов асарлари тўпламининг мультимедия вариантда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис сессиялари, Вазирлар Маҳкамаси мажлислари, халқаро анжуманлар ва учрашувлардаги маъруза ва нутқлари ҳам ўрин олган.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон ахборот-коммуникация техно-

логияси даврга қадам қўйди. Мамлакатда глобал рақамли технологиялар, энг замонавий ахборот хизмати турлари, ҳусусан, юқори қувватли графикали, товушли ва визуал ахборот бериш воситаси бўлиш мультимедия технологияси кенг қўлланилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг XI томлик асарлар тўплами мультимедия вариантнинг икки тилда – ўзбек ва рус тилларида яратилиши Ўзбекистон Президенти асарларидан унинг янги, юқори технологик электрон тур орқали баҳраманд бўлиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари тўпламининг мультимедия вариант 8,5 минг саҳифадан ортиқ ҳажмидаги ахборот матни, минга яқин сурат, жумладан, 10 соатли аудио ва видеоматериаллардан иборат бўлиб, 2 та CD-дискдан ташкил топган.

«Ислом Каримов. Асарлар тўплами» CD-дискни яратишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати интернет-сайтидаги ахборотлардан, Матбуот хизматининг архив суратлари, аудио ва видеоматериалларидан кенг фойдаланилган. Мазкур CD-дискда миллий муомтоз қўлалигимиздан, шунингдек, жаҳон классик композиторлари асарларидан фойдаланилган.

Ў.А.

Аёллар фаоллиги – замон талаби

Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 25 майда эълон қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарорида хотин-қизлар қўмиталарининг муҳим вазифалари белгилаб берилди.

Бугунги кунда хотин-қизларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болалиқни муҳофазалаш, аёлларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат қурилиши соҳасидаги кенг

иштирокини таъминлашга қаратилган умумий сиёсатни рўёбга чиқариш бўйича чора-тадбирлар янги ҳақда қўллаб-қувватлаш бўлиб, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат қурилиши соҳасидаги кенг

учун ташкил этилган семинар-машулотда ана шу ҳақда сўз юритилди.

Бир ҳафта давом этадиган семинарда хотин-қизлар қўмиталари фаоллигини янада ошириш, аёлларни иш билан таъминлаш, меҳнат ярмаркалари ташкил этиш, аёллар ўртасида тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга оид масалалар юзасидаги маърузалар тингланди.

Назозат УСМОНОВА,
Ў.А. мухбири.

«Мавлоно»нинг шинниси

Янгийўл туманидаги «Мавлоно» корхонаси мева-салатлари қайта ишлашга ихтисослашган. Яқинда бу ерда яна бир цех иш бошлади.

Ўтган йили корхонада ўн икки миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган эди. Бу йил жаммоа йилгига миллионни қўшлаб турибди. Аини пайтда истеъмолчиларга ҳар кун икки минг банка консерва етказиб берилмоқда. Янги цехда қандалат маҳсулотлари қўшилидиган махсус шинни тайёрланмоқда.

Л. СУВОНОВ,
Ў.А. мухбири.

Болаларнинг қувончи чексиз

Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида Ангрендаги Облик кўрғонига йирик болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилади.

Иншоот ўз вақтида барпо этилишига бош пудратчи ташкилот – «Андижонсувқурилиш» ҳамда ҳудуддаги ўнлаб корхоналар жамоаси ўз улушларини қўшди.

Аксарият ишлар ҳашар усулида битказилаётган мажмуада аини пайтда сўнгги пардозлаш, кўкаламзорлаштириш, футбол майдон-

часига чим ётқириш ишлари давом эттирилмоқда. Келгусида кўплаб спорт турлари билан 350 нафардан зиёд ўғил-қизлар шугулланадиган болалар спорт мажмуасининг 22 миллион сўмлик спорт анжонлари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Ў.А. мухбири.

Шароитлар яхшиланмоқда

Ангрендаги «Кўмиртехтранс» корхонасида 1500 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилади. Бу ердаги иқтидорлар бюросида эса, 137 киши фаолият кўрсатишмоқда.

Бугунги кунда улар ёрдамида корхона учун лозим бўлган 50 фоиздан ортиқ эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришмоқда. Бюро цехларида ойига тўртта вагонни капитал, 72 тасини жорий ва 8 та вагонни оралик таъмирлашга эришилмоқда. Улар ишлаб чиқарган думкарлар кўмағида бир ойда 720 минг куб метр

хажмида туپроқ ишлари бажарилиб, 260-280 минг тонна кўмир ташилмоқда.

Иқтидорлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида яқинда бу ерда матбуот маркази иш бошлаганди. Кўни кеча 30 кишига мўлжалланган сауна фойдаланишга топширилди.

Ў.А. мухбири.

Белбоғ кураши ғолиблари

Пскент шаҳрида белбоғ кураши бўйича ўтган Ўзбекистон чемпионатида юздан ортиқ спортчи иштирок этди.

Ж.Абдулҳаев, Р.Умаров, Ш.Исоқов, М.Ашуров, И.Эгамов, Ш.Мирзаноов ва Х.Муҳиддинов ўз вазн тоифасида ғолиблик шохсўласига кўтарилган бўлса, О.Ҳақимов мутлақ биринчилиқни қўлга киритди.

Ў.А.

Саёҳатга отланишди

Бугун Қўйичирчиқ тумани қишлоқ хўжалиги ходимлари қасаба уюшмасининг ташаббуси билан 50 нафар қария ва нурунийлар Самарқанд шаҳрига йўл олишди. Улар Самарқанднинг «Ал-Бухорий», «Регистон» майдони, «Амир Темур», «Ҳазрати Хизр» макбараларини зиёрат қилишди.

Хуршида МҲМИНОВА.

Соғлом ва навқиронлар баҳси

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътили янада музмонли ўтказиш мақсадида хушманзара «Қиёра» болалар оромгоҳида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Қамалак» болалар ташкилотининг туман бўлимида ҳамкорлигида «Қиёралик мисс ва мистер»

қўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда қатнашган 40 нафардан зиёд ўғил-қиз де-филе (сафда бир қатор бўлиб юриш), брейк ва спорт рақслари, бодибилдинг шартлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Муҳаммад СУННАТОВ.

Ҳам гўшт, ҳам сўт

Бўстонлик туманидаги «Бўржон» фермер хўжалиги ўзларига яратилган кулайликлар боис йилдан-йилга иқтисодий бақувватлашиб, кенг қулоқ ёзиб бораётир. Қарийб ўн йил олдин 30 гектар еру бир дон трактор билан иш бошлаган хўжалик айни дамда ўзини ҳар жиҳатдан таъминлай олади. Ерга ишлов беришда ҳайдов ва чопик тракторлари, юк транспортларига эга.

Хўжалиkning муҳим тармоғи чорвачилиқдир. Ҳозир хўжаликда 175 бош қорамол, шу жумладан, 65 та сигир, 48 та бузоқ ва наслдор новослар боқилмоқда. Бу йил ўтган йилгидан 3-4 тонна ортиқ гўшт ва сўт сотиш режалаштирилган. Шунга кўра тармоқдан

келадиган даромад ярим йилликнинг ўзига 16 миллион сўмдан ошди.

Чорвачиликни ривожлантиришда узоқ йиллик тажрибага эга бўлган зоотехник Александр Муллин, молбоқар Алишер Расулов, Шухрат Ашуровнинг хизмати катта бўлмоқда.

Суратда: (чапдан) зоотехник Александр Муллин, фермер Жўраовий Серенов ҳамда туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшма раиси Шавкат Холмуродов хўжаликда боқилган новосни кўздан кечирмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.



Солиқлар тушуми сарҳисоби

Республика Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академиясида мамлакатимиз ҳукумати томонидан солиқ идоралари ходимлари олдига қўйилган вазифалар ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хайфат йиғилишида давлат бюджетига даромадлар тушуми бўйича 2004 йил учун белгиланган топшириқларни самарали ақунлаш, жорий йилнинг ўтган давридаги даромадлар тушуми таҳлилидан келиб чиқиб, солиқ тушумлари манбаларининг қўшимча имкониятларини аниқлаш борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, йиғилишда 2004 йил бюджет ижросини тўла таъминлаш, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш, пул маблағларини банкдан ташқари айланиши ва ҳуфиёна иқтисодиёт фаолиятининг олдини олиш, икки истеъмол бозорини ҳимоялаш ҳамда аҳолига солиқлар мохиятини тушунтириш борасидаги ишларни янада қучайтириш бўйича вазифалар белгиланганлиги олинди.

Инобат ЭҒАМҚУЛОВА, «Туркистон-пресс».

Нав тоза бўлса

Ўртачирчиқ тумани Охунбоев номидаги ширкат хўжалигида 2004 йил уруғлик чигит экилган майдонларда гўза апробациянинг ўтказиш ва сифатли уруғлик жамғармасини яратишга бағишланган республика кўргазмали семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

— Апробациянинг асосий мақсади уруғлик учун жорий йилда экилган гўза навининг серхисли, касаллик ва зараркучилар билан зарарланмаган, генетик жиҳатдан соф майдонларни уруғлик учун танлаб олишдан иборатдир. Апробациянинг ўтказиш давомида гўза навининг софлиги, қўтиладиган умумий пахта ҳосили, шу жумладан, уруғлик пахта ва ундан олинладиган уруғлик чигитнинг миқдори аниқланади ҳамда гўзанинг селекцион нави, авлоди бўйича қай даражада зарарланганлигига қараб, тегишли дала гуруҳларига киритилади, — деди семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон кишлқ ва сув хўжалиги вазирини И.Нахмидинов.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзпактасаноат» уюшмасининг «2004 йилда уруғлик учун экилган гўза майдонларида апробация ўтказиш тўғрисида»ги жорий йилнинг 27 июлда қабул қилинган қўшма буйруғига асосан республикада жами 341,8 минг гектар уруғлик учун экилган майдонларда апробация ўтказиш режалаштирилган.

Сардор МАДАТОВ, «Туркистон-пресс».

Маълумки, вилоятимизда бу йил давлатга дон сотиш шартнома режасининг ўз вақтида тўла адо этилишида барча туманлар, ширкат ва фермер хўжаликларининг муносиб ҳиссалари бор, албатта. Аммо, гуруч курмакисиз бўлмаганидек, бу йилги

Жойларда содир этилган ноқонуний хатти-ҳаракатлар вилоят прокуратураси органлари томонидан ўрганилмоқда. Аниқланишича, вилоятда шартнома режасидагидан жами 25 та ширкат хўжалиги 2718,8 тонна ҳамда 1378 та фермер хўжалиги 9195,7 тонна кам галла топширган. 293 фермер хўжалиги эса давлат эҳтёжи учун 2738,8 тонна галлани умуман етказиб бермади.

Бундан ташқари, вилоят бўйича жами 73 та фермер хўжалиги томонидан давлатга дон топшириш ҳақида контрактация шартномалари тузилгани ҳолда, галла экилмаган. Ер майдонларидан бемақсад фойдаланганлиги учун 11 та фермер хўжалигига қарашли ер майдонлари тегишли туман ҳокимликлари қарори билан қайтариб олинди. Текширишлар натижасида 83 та маъмурий жавобгарликка доир иш кўзгатилиди, хўжалик судига 125 та даъво аризалари лойиҳаси тайёрланди, икки ширкат ва уч фермер хўжалигининг мансабдорларига нисбатан жиноят иши очилди.

Масалан, Паркент туманидаги «Номданак» ширкат хўжалиги томонидан жами 806 гектар ерга галла экилганлиги тўғрисидаги ҳисоботларга сохта маълумотлар киритилиб, статистика

идораларига тақдим этилган. Амалда эса бу галла майдони 591 гектар эканлиги аниқланди. Натижада давлатга сотиладиган доннинг қарийб 200 тоннаси етказиб берилмади. Мазкур

Эл ризқи

Уни қияётганлар кимлар?

ҳолат юзасидан сўриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Бўка туманидаги «Паркент» ширкат хўжалигида ҳам ана шундай ўзбошимчилик қайд этилди. Бу ерда белгиланган режадаги ернинг 60 гектарига дон экилмаган. Хўжалиkning давлатга етказган зарари 13,7 миллион сўмни ташкил этди.

Бундай кўзбўямачилик ҳолатлари, фермер хўжаликлари фаолиятида ҳам кўплаб учрамоқда. Биргина Бекобод туманидаги «Темур қовуқ» (раҳбари И. Нормуродов), «Найман» (раҳбари Х. Бойтемиров) фермер хўжаликлари галла учун ажратилган ерларга бошқа кишлқ хўжалик экинлари экиб, мўмай

галла мавсумида баъзи мутасаддилар зиммаларидаги масъулиятли вазифага панжа ортидан қараб, ўзбошимчиларча иш тутганликларини ҳам афсус билан қайд этишга мажбурмиз. Бунинг натижасида эл ризқи қийилди.

даромад олиш илинжида бўлган. Тузилган шартномалар масъулиятсизлик ва манфаатпарастлик натижасида амал қилинмай қолиб кетаверган. Энг ёмони хўжалиkning устаси фаранг му-

ларни суиистеъмол қилиш билан боғлиқ бир қанча кирдикорлари ҳам фош бўлмоқда. Мониторинг текширишлар давомида олиб борилган тадбирлар натижасида шу кунга қадар 422 та фермер, 4 та ширкат хўжалиги ҳамда 1 та ташкилотдан жами 1286,7 тонна дон, 30 та фермер хўжалигидан галла ўрнига унинг қиймати — 1,8 миллион сўм ундириб олинди.

Албатта, вилоят прокуратураси кишлқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш юзасидан олиб бориладиган бундай тадбирларни изчил давом эттиради. Аммо инсоф юзасидан айтиладиган бўлса, катта-катта майдонлардаги ерга эгалик қилиб, ундан юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида эмас, фақат ўз шахсий манфаати учун фойдаланиш мард, танти, лафзи ҳалол дея эътироф этиладиган деҳқонларга хос эмас. Халқ ризқига, эл фаровонлигига раҳна солаётганлар, у ким бўлишидан қатъи назар, қонун олдига жавоб бериши муқаррардир.

Анвар СУБОНОВ, вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
вазифасини бажарувчи.
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

«MEGAMEX» очик акциядорлик жамияти қўшма корхонаси акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 1/2004-баённомаси

Тошкент шаҳри

2004 йил 26 июнь

Чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар сони:		6255 дон оддий, эгаси ёзилган, нақдсиз кўринишдаги акциялар;
Жойлаштирилган акцияларга эгалик қилувчи акциядорлар сони:		3 юридик ва 1 жисмоний шахс;
Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашадиган акциядорлар сони:		3 юридик ва 1 жисмоний шахс (100 %)
ҚАТНАШДИЛАР:		
1. Аҳмед Чобан	«ДЕМИР» очик акциядорлик жамияти чет эл корхонаси бош директорининг биринчи муовини;	1900 дон акция ёки устав жамғармасининг 30,38 %
2. А. Махмудов	«DEMIR TEKSTIL» компанияси бош директори;	1250 дон акция ёки устав жамғармасининг 19,98 %;
3. Эмирхан Озгунч	«DEMEKS DIS TICARET A.S.» фирмаси вакили (Ишончнома билан);	2925 дон акция ёки устав жамғармасининг 46,76 %;
4. Арипов Ф. Х.	Ўзбекистон Республикаси фуқароси;	180 дон акция ёки устав жамғармасининг 2,88 %.
ТАКЛИФ ЭТИЛГАНЛАР:		
А. Мирходжаев	«MEGAMEX» қўшма корхонаси бош директори;	
Ли С. Г.	Корхонанинг бош муҳсоби.	

Кун тартиби:

1. Жамият раҳбарининг жамият 2003 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи.
2. 2003 йил молиявий-хўжалик фаолият ақунлари бўйича аудитор хулосасини тасдиқлаш.
3. Бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.
4. Фойда ва зарарни тақсимлаш.
5. Жамият ижроия органи раҳбари номзодини тасдиқлаш.
6. Жамият тафтиш комиссияси таркибини сайлаш.
7. Жамиятнинг 2004 йил учун аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва уни рағбатлантириш ҳажмини белгилаш.
8. Жамиятнинг 2004 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
9. Жамият юридик манзили ўзгартирилганлигини тасдиқлаш.

Акциядорларнинг умумий мажлисини А. Махмудов очди ва умумий йиғилишда 4 акциядор (ёки акциядор вакили) 6255 дон овоз берувчи акциялар билан қатнашадиганлигини ҳамда бу акциядор овоз берувчи акциядорнинг 100 фоизини ташкил этиши, бу умумий йиғилишнинг очилш учун қорум йиғилганлигидан далолат беришини айтди.

А. Махмудов йиғилиш ўтказиш учун президиумни сайлаш, мажлис раиси ва котибини белгилаш лозимлиги ҳақида гапириб, президиум аъзолари таркибига жамият акциядорлари Аҳмед Чобан, Эмирхан Озгунч ва Ф. Ариповни сайлаш таклифини киритди.

Умумий йиғилиш президиуми аъзолари таркиби Аҳмед Чобан (Йиғилиш раиси), Эмирхан Озгунч, Ф. Арипов (Йиғилиш котиби) таркибиде бир овоздан сайланди.

Шунингдек, Аҳмед Чобан сўзга чиқиб, кун тартибидеги ҳар бир масала бўйича асосий маъруза 10 дақиқадан, қўшимча маъруза 5 дақиқадан ошмаслиги, йиғилиш қатнашчиларининг сони 4 кишидан иборатлиги ҳамда кун тартибидеги масалаларга очик овоз бериш таклифини киритди. Санок комиссияси вазифаларини йиғилиш раиси ва котиби зиммасига юклаш таклифи ҳам киритилди.

Умумий йиғилиш кун тартиби йиғилиш раиси томонидан ўқиб эшиттирилди ва уни тасдиқлаш таклифи этилди.

Юқорида кўрсатилган масалалар биргаликда овозга қўйилиб, бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш кун тартибига қўйилган масалалар бўйича сўзга чиқдилар: Кун тартибидеги биринчи масала юзасидан корхона бош директори А. Мирходжаев сўзга чиқиб, корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг 2003 йил учун тайёрланган ҳисоботи билан мажлис иштирокчиларини таништирди.

Қилинган муҳокамалардан сўнг корхона бош директорининг корхонанинг 2003 йил молиявий-хўжалик фаолияти борасидаги ҳисоботини тасдиқлаш таклифи киритилди.

Кун тартибидеги иккинчи масала юзасидан корхона бош муҳсоби Ли С. Г. сўзга чиқиб, «КОНСАУДИТИНФОРМ» агентлиги томонидан тақдим этилган, жамиятнинг 2003 йил молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан тайёрланган аудиторлик хулосаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Қилинган муҳокамалардан сўнг жамиятнинг 2003 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан тайёрланган жамият аудиторлик хулосасини тасдиқлаш таклифи киритилди.

Кун тартибидеги учинчи масала юзасидан корхона бош муҳсоби Ли С. Г. сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларини корхона бухгалтерлик баланси ва ундаги кўрсаткичлар билан бирма-бир таништирди.

Қилинган муҳокамалардан сўнг жамиятнинг 2003 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти борасидаги бухгалтерлик балансини тасдиқлаш таклифи киритилди.

Кун тартибидеги тўртинчи масала юзасидан жамият раҳбари А. Мирходжаев сўзга чиқиб, жамият 2003 йилги фаолияти давомида бир қатор ютуқларга эришилгани ва жамият 6900,6 минг сўм соф фойда билан йилни ақунлагани тўғрисида гапирди. Ушбу 6900,6 минг сўм фойдани ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириб, мақсадли

фойдаланиш учун жамият ихтиёрида қолдиришни таклиф қилди.

Кун тартибидеги бешинчи масала юзасидан Эмирхан Озгунч сўзга чиқиб, корхона бош директорининг фаолиятини қоникарли деб топиш мақсадга мувофиқ бўлишини айтиди ва мажлис иштирокчиларига корхона бош директори А. Мирходжаев билан меҳнат шартномасини навбатдаги муддатга узайтириш таклифини киритди.

Кун тартибидеги олтинчи масала юзасидан мажлис раиси Аҳмед Чобан сўзга чиқиб, жамиятда Қузатув кенгашининг ваколатлари жамият акциядорларининг умумий йиғилиши зиммасига юклатилганлигини эслатиб ўтар экан, амалдаги қонунчиликка асосланган ҳолда, умумий йиғилиш томонидан жамиятга танланадиган аудиторлик ташкилотни зиммасига тафтиш комиссияси ваколатларини юклаш таклифини киритди.

Кун тартибидеги еттинчи масала юзасидан корхона раҳбари А. Мирходжаев сўзга чиқиб, жамиятга 2004 йил учун аудитор сифатида «КОНСАУДИТИНФОРМ» агентлигини тайинлаш таклифини киритди. 2001 йил 20 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган 300-лицензияга эга.

Шунингдек, ушбу масала юзасидан А. Махмудов сўзга чиқиб, жамият аудиторини рағбатлантириш миқдори ва тартибини корхона билан ўзаро тузиладиган шартномада белгиланган корхона ижроия органи зиммасига юклашни таклиф этди.

Кун тартибидеги саккизинчи масала юзасидан жамиятнинг бош директори А. Мирходжаев сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларини жамиятнинг 2004 йилда олиб бориладиган молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида ўзи тайёрлаган бизнес-режаси билан таништирди. Қилинган муҳокамалардан сўнг корхона бош директорининг 2004 йил учун тайёрлаган бизнес-режасини тасдиқлаш таклифи киритилди.

Кун тартибидеги тўққизинчи масала юзасидан корхона раҳбари А. Мирходжаев сўзга чиқиб, жамиятнинг юридик манзили ўзгарганлиги муносабати билан жамиятнинг Тошкент вилояти, Келес шаҳри, Ғофуров кўчаси, 15-уйдаги янги юридик манзилини тасдиқлаш таклифи киритилди.

Кун тартибига киритилган масалалар муҳокамаси ва киритилган таклифлар асосида умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛДИ:

1-масала бўйича:

Жамият директорининг 2003 йил учун ҳисоботи инобатга олинсин ва жамиятнинг фаолияти қоникарли деб баҳолансин.

Овоз бериш: «Тарафдорлар» — 100 фоиз, «Қаршилар» йўқ, «Бетарафлар» йўқ.

2-масала бўйича:

Жамият аудиторининг жамиятнинг 2003 йилги молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан таклиф этган ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш: «Тарафдорлар» — 100 фоиз, «Қаршилар» йўқ, «Бетарафлар» йўқ.

3-масала бўйича:

Жамиятнинг 2003 йилги бухгалтерлик баланси тасдиқлансин.

Овоз бериш: «Тарафдорлар» — 100 фоиз, «Қаршилар» йўқ, «Бетарафлар» йўқ.

4-масала бўйича:

Жамиятнинг 2003 йилдаги фаолияти давомида 6900,6 минг сўм соф фойда билан чиққанлиги инобатга олинсин ва ушбу фойда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириб, мақсадли фойдаланиш учун жамият ихтиёрида қолдирилсин. Жамият ижроия органи мазкур пул маблағларидан мақсадли фойдаланганлиги юзасидан акциядорларга ҳисобот бериши белгилан қўйилсин.

Овоз бериш: «Тарафдорлар» — 100 фоиз, «Қаршилар» йўқ, «Бетарафлар» йўқ.

5-масала бўйича:

Корхона бош директори А. Мирходжаевнинг корхонадаги меҳнат фаолияти қоникарли деб топилиб А. Мирходжаев билан тузилган меҳнат шартномаси навбатдаги муддатга узайтирилсин.

Овоз бериш: «Тарафдорлар» — 100 фоиз, «Қаршилар» йўқ, «Бетарафлар» йўқ.

6-масала бўйича:

Жамият акциядорларининг жамият тафтиш комиссияси ваколатларини жамият аудиторига юклаш тўғрисидаги таклифи инобатга олинсин.

Жамиятга 2004 йил учун тайинланадиган аудиторлик ташкилотни зиммасига тафтиш комиссияси ваколатлари юклатилсин ва ушбу масала аудиторлик ташкилотни билан тузиладиган шартномада белгилан қўйилсин.

Овоз бериш: «Тарафдорлар» — 100 фоиз, «Қаршилар» йўқ, «Бетарафлар» йўқ.

7-масала бўйича:

Жамиятга 2004 йил учун аудитор сифатида «КОНСАУДИТИНФОРМ» агентлиги тайинлансин (2001 йил 20 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган 300-лицензияга эга).

Жамият аудиторини рағбатлантириш миқдори ва тартибини корхона билан ўзаро тузиладиган шартномада белгилан корхона ижроия органи зиммасига юклатилсин.

Овоз бериш: «Тарафдорлар» — 100 фоиз, «Қаршилар» йўқ, «Бетарафлар» йўқ.

8-масала бўйича:

Жамият бош директорининг 2004 йил учун тайёрлаган бизнес режаси тасдиқлансин.

Овоз бериш: «Тарафдорлар» — 100 фоиз, «Қаршилар» йўқ, «Бетарафлар» йўқ.

9-масала бўйича:

Жамиятнинг янги юридик манзили: Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Келес шаҳри, Ғофуров кўчаси, 15-уй манзили тасдиқлансин.

Овоз бериш: «Тарафдорлар» — 100 фоиз, «Қаршилар» йўқ, «Бетарафлар» йўқ.

Йиғилиш раиси
Йиғилиш котиби

Аҳмед Чобан
Ф. Арипов

Bizva
Jahon

Лойиҳа топширилди

«Ўзгазлойиҳа» масъулияти чекланган жамияти тузари-жой, корхона, муассаса ва ташкилотлар, ер ости муҳандислик қурилмаларини электромеханик муҳофаза қилиш бўйича лойиҳа-смета ишларини тайёрлашга ихтисослашган.

Мазкур жамият томонидан йил бошидан буюн талай объектларни лойиҳалаш ишлари бажарилди. Хусусан, Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай, Тошкент туманидаги газ тармоқларини ривожлантириш, Ангрэн шаҳрини табиий газ билан таъминлаш борасидаги лойиҳалаш ишлари қисқа муддатда ақунланди.

«Ўзгазлойиҳа» МЧЖ мутахассислари пойтахтимиздаги «Фари-Гласс» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасини табиий газ билан таъминлаш лойиҳасини ишлаб чиқиб, муддатидан илгари бюртомачига топширди.

— Айни пайтда Тошкент шаҳри Сергели туманидаги «Шийа идишлар» заводини газлаштириш лойиҳаси устиде олиб бориляпти, — дейди «Ўзгазлойиҳа» МЧЖ директори Қодиржон Қосимов. — Шунингдек, Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларида янги лойиҳа ишларини бажариш борасида шартномалар тузилган.

Носиржон ЖҲРАЕВ,
ЎЗА.

Ўқиш учун Ҳиндистонга

Тез орада ўзбекистонлик 36 нафар йигит ва қиз Ҳиндистон олий ўқув юртида таълим олиш учун жўнаб кетди. Улар турли университетларда ушбу мамлакат ҳукуматининг давлат таълим дастури бўйича ўқийди.

Мазкур дастур бўйича ҳамкорларимизнинг таълим олиши учун ажратилган ўринлар сўнгги 2 йилда икки баравар кўпайди. Бу йил 144 номзод ариза берди ва инглиз ёки ҳинд тилларида ёзма тест топширди ва умумий сўхбатдан ўтди.

Танлаб олинган ёшларнинг 11 нафари магистр даражасига, қолганлари бакалаврликка ўқийди. Ҳар йили Ҳиндистон маданий алоқалар бўйича кенгаши дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатли фуқароларни олий таълим олиши учун 1100 га яқин ўрин ажратади.

ЎЗА.

Самарали ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Америка халқор таълим кенгаши

● **Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги олдида**

Маънавий меросга эҳтиром

Юртимизда эски мафкура зугумидан халос бўлган, ўзигимизни, қандай бўй ва бектор маънавий мерос ворислари эканлигимизни англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш йўлида тарихда из қолдирадиган кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан бу йил ислом фалсафаси ривожига ўзининг улкан ҳиссасини қўллаган буюк мутафаккир аллома Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги кенг нишонланиши ҳам бу олижаноб савобли ишнинг узвий бир қисмидир. Вилоятимизда мутасадди ташкилотлар томонидан улуғ ватандошимизнинг тўйини муносиб нишонлаш бўйича тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Хожа Аҳрор Валий аслида ким бўлган? Унинг халқимизи, қолаверса, инсоният олдидаги хизматлари нималардан иборат?

У кишининг тўлиқ исми Хожа Ўбайдуллоҳ Аҳрорий Валийдир. Бу халқ томонидан берилган буюк унвонлардан нишондир. Чунки, Хожа дегани бу Хожагон тарикатига, Нақшбандия тарикатига тааллуқлиликни билдирса, Аҳрор деганида ҳуррият, қалб ҳуррияти ва Аллоҳ ҳурриятини ўзида муҳасам этган инсон сифатидаги фазилати акс этади, Валий дегани у кишининг қароматлари, кашфётларидан нишондир. Хижрий 806 (милодий 1404) йили Шошда туғилган, 895 йили (милодий 1490) Самарқандда вафот этган. Қабри ўша ерда.

Кичик Ўбайдуллоҳнинг тарбиясида тоғаси Иброҳим кўп гайрат қўрсатган. Илм тахсилни учун уни Шошдан Самарқандга олиб келади. Бу ерда икки йил машҳур олим ва воизларнинг илм мажлислари ва суҳбатларида қатнашади. Кейин Бухоро, Хирот ва бошқа шаҳарларда ҳазрати Баҳоуддин ҳамда Бухорийнинг таниқли шоғирдлари суҳбатидан баҳраманд бўлди. Хожагон йўли улуғларининг мажлисларида иштирок этди. Хуросонга бормасдан аввал Сайид Қосим Табризийнинг хизматида бўлди. Шундан кейин тўрт йил Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг суҳбатларидан баҳра олди. Сўнгра асосий пири муршиди ҳазрати Ўқуб Чархияга талаба бўлиб, бу зотнинг суҳбатларида камол топди.

Йигирма тўққиз ёшида илм тахсилни тасмоллаб, тасаввуф илмида юксак даражаларга эришди. Юртга қайтиб, ҳалол ризқ қозониш мақсадида деҳқончилик билан машғул бўлиб, одамларга тўғри йўлни кўрсатиш билан шуғулланди. Нақшбандия тарикатининг ҳақиқий инсонийлик, меҳнатсеварлик, адолатчилик, ҳалол-поклик, юртпарварлик, меҳр-мурувватли бўлиш каби ғояларини кенг тарғиб қилишга салмоқли хисса қўшди.

Профессорлар Н. Комилов, А. Жузжоний, У. Уватовларнинг қишқирларида Хожа Аҳрор Валий маънавий қомил инсон бўлганлиги алоҳида қайд этилган. Жумладан, устознинг фикрича, киши ўзини ҳеч қачон бирова юк қилиб қўймаслиги керак. Хар бир одам ўзини-ўзи эплай билиши, ҳалол меҳнат билан тирикчилик қилиши ва, албатта, бирор касб билан шуғулланиши шарт. Шунинг билан бирга камтарлик, самимийлик орқали ўз шаънини сақлай билишга керак. Манбаларда зикр этилишича, Хожа Аҳрор Валий бекиёс мол-мулк соҳиб бўлса-да, дунёга заррача муҳаббат қўймаган. Мол-дунёни эл-юрт манфаати учун сарф этмоқни ўз бурчи деб билган. Жумладан, Умаршайх Мирзо Шош аҳолисидан 250 минг диноҳ солиқ талаб қилганда, Хожа Аҳрор Валий бу солиқнинг ҳаммасини ўз маблагини ҳисобидан тўлаб юборди. Бугина эмас, у 70 минг диноҳни эл манфаатини ўйлаб, солиқчиларга топиради.

Шуни эслатиш жоизки, ҳазрат Хожа Аҳрор

Валий кўпгина мулк ва нақдинага мушарраф бўлган, бу бойлиқлар Самарқанд, Тошкент шаҳарларида мадраса, хонақоҳ ва масжид хизматчиларини моддий жиҳатдан таъминлаш, фуқароларга ва муҳтожларга хайр-эхсон қилиш каби ишларга сарфланар эди. Бундай олижаноб фаолият ҳазрат Хожа Аҳрор Валийнинг барча ижтимоий тоифалар орасидаги макеини, иззат-эътиборини ва энг муҳими, ул ҳазратга нисбатан бўлган ишончини янада орттиради. Шунинг натижасида ҳазрат Хожа Аҳрор Валий темирйўзда ака-ўка ҳокимлар Султон Аҳмад мирзо, Умаршайх мирзо ва Султон Маҳмуд мирзолар ўртасида келишмовчилик туфайли содир бўлиши мумкин бўлган қон тўкилиши, вайронагарчиликларнинг олдини олишга ташаббускор бўлганлиги тарихий манбаларда қайд қилинган.

Ҳақиқатан ҳам Хожа Аҳрор Валий мазлумлар ҳимояси йўлида жуда кўп ҳаракат қилди. Замон подшоҳлари билан мулоқотлар олиб борди. Фуқаро манфаати учун вақтини ямади. Халқнинг унга бўлган ихлоси ва ҳурмати-ни, аввало, шунинг жавоби дейиш мумкин.

Улуғ шайх илм-маърифат ривожини учун бениҳоя аҳамиятли ишларни амалга оширди. Абу Тоҳирхожанинг «Самария» асарида ёзилишича: «Хожа Аҳрор билим эгаларини севар, мажлиси хамиша олимлар билан тўла эди. Шу сабабдан илм ахллари учун у ерда бир олий мадраса солдирди». Хожа Аҳрор Валий ҳақида тадқиқотлар олиб борган олим, академик Ботирхон Валихўжаев бу мадрасанинг Самарқанддаги «Мадрасаи сафед» эканлигини таъкидлайди. Бундан ташқари, мазкур манбада шайхнинг илм ахли манфаатини ўйлаб, Тошкент ва Қобулда ҳам мадрасалар қурдиргани ҳақида маълумот берилди.

Хожа Аҳрор Валий ўзидан қимматли илмий-адабий мерос қолдирган. Унинг «Фикрот ул-орифин», «Рисолаи валидия» ёки «Мухтасар», «Рисолаи хавроия», «Руқоат» («Мактублар») каби асарлари инсоннинг зоҳирий ва ботиний покликка эришуви, қамолоти силари ҳақида баҳс юритилгани билан аҳамиятли. Хожа Аҳрор Валий қолдирган маънавий меросни ўрганишда йирик тарихчи олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори Асомидин Ўрмонбеовнинг хизматлари қатта. У кўп йиллардан буён бу манбаларни ўзбек ва рус тилларига таржимаси билан шуғулланиб келади. Америкалик тадқиқотчилар билан ҳамкорликда Хожа Аҳрор Валийнинг мактубларини Голландиядаги машҳур нашриётлардан бирида кўп нусхада чоп эттирди. Хожа Аҳрор Валийнинг ўзлари маънавий раҳнамо, пир деб биллганлар орасида Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар борлигининг ўзиёқ бу алломанинг нечоғлиқ улуглигига далил бўла олади. Зеро, Абдурахмон Жомий уни «Қаъбаи мақсуд» деб билса, Навоий ҳазратлари «Тарикат кутби» дея таърифлайди.

Дарҳақиқат, инсоният тараққиётига салмоқли хисса қўшган буюк аллома Хожа Аҳрор Валий истиқлолимизнинг олтин пойдеворига асос солган улуг зотдир. Унинг таваллуд тўйи нишонланиши боис инсонни маънавий етукликка бословчи ҳикматлари бугун қайтадан жаранглай бошлади.

Халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва тафаккурида миллий истиқлол ғояларига асосланган дунёқарашни шакллантирар эканмиз, буюк сиймоларнинг маънавий меросига албатта, сунянамиз.

Суяр ҚУРБОНҚУЛОВ,
«Маънавият ва маърифат» маркази
вилоят бўлими раҳбари.

Чорвоқда экофестиваль

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган «Оқ елкан» соғломлаштириш оромгоҳида «Чорвоқ-2004» болалар бадий ижодиёти экологик фестивали бўлиб ўтди.

«Экосан – Оролбўйи болаларига» шиори остида ўтказилган ушбу тадбир «Экосан» халқаро экология ва саломатлик ташкилоти ва «Фестиваль» интер-клуби томонидан Туркиянинг ҳамкорлик ва ривожланиш бўйича халқаро агентлиги (ТИКА) кўмагида ташкил этилди.

Фестивалда Чимён-Чорвоқ

курорт зоналарида жойлашган «Наргиз», «Чотқол», «Ёш куч», «Шодлик», «Ниҳол» соғломлаштириш оромгоҳларида дам олаётган ўғил-қизлар иштирок этди. Тадбир дастурига тоғ ёнбағирларини тозалаш бўйича экологик тадбирлар, болалар бадий ва амалий ижодиёти намуналари кўргазмаси, ёш хаваскор артистларнинг

концертлари киритилди.

Бу ерда ёзги табиатни ўтказатган Оролбўйи болаларига ТИКА номидаан спорт кийимлари ва пойабзал топирилди. Бундан ташқари фестивалнинг барча иштирокчилари «Экосан» ташкилотининг совгалари билан тақдирланди.

«Оқ елкан» оромгоҳига муруват ёрдами ҳам топирилди. Ўн йилдан буён ўтказиб келинаётган ёзги экологик фестивалнинг мақсади табиатни асраш зарурлигига ёш авлод эътиборини қаратиш, болаларда ижодий қобилиятларини ривожлантиришдан иборат.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА муҳбири.

«Хумсон» даволайди

Бўстонлиқ туманида жойлашган бу сўхаттоҳ номини тилга олишнингиз билан оромбахш, гўзал табиат манзараси кўз олдингизда намоён бўлади. Унинг шифобахшлигини айтмайсизми?

Кишин-ёзин меҳнаткашлар хизматида бўладиган бу масканда ҳар йили минглаб кишилар даволаниб, турли дардларидан фориғ бўладилар. Шунинг учун ҳам у бутун йил давомида таширф буорганлар билан гавҳим. Угом тоғ тизмаларининг шарқий ён бағрида, шу номли дарёнинг ўнг томонида, меваали ва манзарали да-

рахтзорлар оралигида жойлашган «Хумсон» сўхаттоҳи республикамизда маълум ва машҳурдир. Бу ерда юрак, қон айланиш тизимлари, нафас олиш аъзолари, асаб тизимлари ва бошқа хасталиқлар билан оғриган кишилар ўз дардларига даво топадилар. У замонавий тиббий даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.



Физиотерапия асбоблари, сув муолажалари, лазер нури билан даволаш ва хасталикларни диагностика қилиш мосламалари мавжуд.

Сўхаттоҳда бир йўла 380 киши даволаниши мумкин. Ўттиз нафардан ортиқ шифокорлар ва ҳамширалар улар хизматида бўладилар. Даволанувчиларга кенг қўламда маданий-маиший хизмат кўрсатилапти. Қутубхона, библиоархона, қишги ва ёзги томошагоҳ, мусика хонаси, спорт майдончаси, сузиш ҳавзаси, чойхона, савдо дўкони, сураткаш, сартарошхона дам олувчиларнинг бу ердаги ҳаётини янада мазмунли қилишга ёрдам беради. Истаганлар маҳсуус автобусларда саёҳатга чиқишлари, табиат қўйнида уюштирилаётган маданий сайрда қатнашишлари мумкин.

СУРАТЛАРДА:
«Хумсон» сўхаттоҳининг кўриниши;
сўхаттоҳда давола-
наётганлар.

Даврон АХМАД
олган суратлар.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Ҳиндистон элчихонаси билан ҳамкорликда «Аёллар шукунга: Амрита Шергилнинг қайтиши» мавзусида бадий кўргазма очилди. У Ҳиндистон Республикаси мустақиллигининг 57 йиллигига бағишланган.

Ҳинд мўйқалам усталари кўргазмаси

Кўргазмада таниқли ҳинд мусаввир аёлларининг Амрита Шергил шахси ва ижодида бағишланган асарлари намоиш этилмоқда. А. Шергил (1913-1941) оддий халқ ҳаётини ўз асарларида кенг акс эттирган биринчи ҳинд мўйқалам соҳибасидир. Мазкур экспозицияда унинг учта асари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.


Амританинг шоғирдлари ва издошлари томонидан тақдим этилган картиналарда эса Шергил ижодий услуби таъсири ақвол сезилиб туради. Мусаввирлар унинг ўлмас асари – «Уч ола-сингил» композициясини таъсирий санъат воситалари ёрдамида ўзига хос тарзда шарҳлаган.

Кўргазма очилишида Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулдда ва мухтор элчиси Шарат Сабхавал иштирок этди.

Назкат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

● **Sport** ● **Sport** ● **Sport** ● **Sport**

● **Бизнинг олимпиадачилар**



Суратда боқиб турган бу йигитнинг довуғи нафақат Чирчиқ шаҳри, ёки Тошкент вилояти, балки республикага кенг ёйилган. Ҳа, яхши англаганингиздек, бу йигитчанинг исми-шарифи Санжар Зокиров.

У спортнинг дзюдо тури бўйича болалигиданоқ шуғулланиб келмоқда. Санжарни ўзбекистонлик олимпиячи сифатида эътироф этишлари мумкин. Алпомишқелбат қад-қомати, ҳушқачқак, дилкаш фёъл-атвори, ўзига хос бўлган шижоат, изланиш ва янгилликларга ўчилигини бемалол билиб олиш мумкин. Мақсадга интилувчанлик, ботирлик, мураккаб вазиятларда тез йўл топа билиш, оғирликларни енгиб ўтиш ва мағлубиятни мардонавор кўтара олиш хусусиятларини спорт орқали эгаллаган. Олимпиадачиларга юксак маънавий сифатлар бўлиши дўстлик, спортдаги рақибларнинг гурури ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш каби фазилатлар ҳосидир. Санжар билан бўлган бир суҳбатда у шундай сўзларни айтган эди: «Шу ёшга кириб, бир нарсани аниқ билдим. Мен спорт учун туғилган эканман. Уси ҳаётимни тасаввур қила олмайман. Бунинг исботлаш учун Афинадан куруқ қайтмаслигим керак. Юртимиз, шу азиз она-Ватанимиз шаънини, шарафини ҳар қачонгидан юксалтириш ҳозирги кундаги асосий вазифа ва бурчимдир».

Санжарга XXVIII ёзги Олимпиада ўйинлари шодлик ва қувонч олиб келишини тилаб қоламиз.

«Эшонгузар» болалари ғолиб

Тошкент тумани марказий стадионида 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида «Футболмиз келажиги» мусобақасининг вилоят босқичи якунланди. Бош савринни кўлга киритган Зангиота туманидаги «Эшонгузар» маҳалласи ёш футболчилари мусобақанинг мамлакат босқичига йўллама олди.

Л. СУВОНОВ, ЎЗА муҳбири.

Япония қитъа чемпиони

Футбол бўйича Хитойда ўтказилган 13-Осиё чемпионати нияҳасига етди. Мухлисларга маълумки, майдон эгалари билан Япония футболчилари финалда баҳс юритдилар.

Учрашув қизиқарли ўтди. Дастлаб японияликлар майдонда фаол ҳаракат қилиб, 22-дақиқада ҳисобини очиб-га эришдилар. Ўтказиб юборилган тўпдан сўнг хитойликлар ҳужумга зўр бердилар. Уларнинг 31-дақиқадаги ҳужумлари самарали яқунланди. Японияликлар ҳужумчиси Наката 65-дақиқада ўз жамоасини яна олдинга олиб чиқди. Шу кун

хитойликларнинг ўйини қовшмай қолди. Учрашувнинг сўнгги дақиқасида японияликлар учинчи тўпни кириштиб, Осиё китъаси чемпиони деган шарафни номга сазовор бўдилар. Учинчи ўрин учун бир кун олдин Эрон ва Бахрайн терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтган учрашувда эронликлар 4:2 ҳисобида ғалаба қозондилар.



Миржалол Қосимов МДҲда энг яхши футболчи

Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори Миржалол Қосимов 13-Осиё чемпионати мусобақаларида икки бор энг яхши ўйинчи деб топилган эди. Энди Россиянинг «Спорт экспресс» газетаси сўровномаси натижаларига кўра у июль ойининг яхши футболчиси деб топилди. Миржалол Қосимов сўров натижаларига кўра 61 очко тўпладан. 34 очко тўплаган Дмитрий Сичев иккинчи ўринни забт этди.

Талъат ЮСУПОВ.

**Қулганга Нима
Етсин!**

Шикоятчи идора ходимига деди:

— Ўтган ойнинг шу кунини роп-роса тушлик қилётганингизда ариза берганим, натижасини билгани келдим.
— Шундай дегн, тушликка қанча қолди?
— Тушликка роп-роса ўн дақиқа қолди.
— Бўлмаса, яна ўн дақиқадан кейин натижасини олгани келасиз.

...

Икки ширақайф дўст чойхонада ўтиришарди.

Мирсоли кўзойнагини тўғри-лаб, деди:

— Мир-хик, Мир-хик-вали ишхонада сал-пал бирон ходим тўғрисида нет-то гап бўлиб қолса, ме-менга ҳам айтигин, керак-да, мейлими, асл ўртоқсан-ку, а-а-а?

— Ҳў-ва, менчи ким деб ўйла-сан, овозингнинг ўчир, бир уриб деразанинг билан башварангни то-то-тоо... қилиб қўймайин яна.

Хиббонда ўтирган йигитлардан бири талаба қизларга гап олди:

— Шу кунларда соя жойларда ҳам кўзни қамаштирадиган од-бо тоғ заррачалари турлиниб, кўпайиб кетяптими-а?

— Уни қаранглар-а, шундай тоза жойлардаги чинкидилар тўплайиб қолган эканда-а, — деди шаддодрок бир қиз.

Мавлуда ЭГАМНАЗАРОВА
тўплаган.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТ

Муассис:
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУХИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-58-85,
136-53-54.

Манзилми3:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
лиллаларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.